Биография

Рихсиёр Саидова



Рихсиёр Саидова 1941 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1964 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини имтиёзли диплом билан битирди. Меҳнат фаолиятини Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Ҳам назарий, ҳам амалий билимга эга бўлган ёш мутахассисни илм олами ўзига чорлади ва 1967 йилда Ўзбекистон Давлат ахборот агентлигига ишга ўтди, у ерда устозларнинг маслаҳатлари билан илмий-тадқиқот билан шуғуллана бошлади. Орадан икки йил ўтгач, ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасида ўқитувчи лавозимида педагогик фаолиятини давом эттирди. 1970-73 йилларда аспирантурада ўқиди. 1975 йилда “Ҳозирги ўзбек адабий тилида илова” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кейинроқ доцент илмий даражасига ҳам эга бўлди.

Олиманинг илмий йўналиши тилшуносликнинг синтаксис ва стилистика муаммолари билан боғлиқ. У адабий тилни турли лисоний вазиятларда, ёзма адабиётнинг хилма-хил тур ва жанрларида, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўллаш меъёрлари ҳамда усуллари, матн ва бадиий адабиёт стилистикасига оид туркум мақолалар, ўқув қўлланмалар муаллифидир.

Асарлари:

1971 Изоҳловчининг грамматик табиати. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №3.

1973 Изоҳловчининг сифатловчи ва аниқловчидан фарқи. “Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги масалалари”. Мақолалар тўплами, Тошкент.

1974 Изоҳловчининг синтактик хусусиятлари. ТошДУ, илмий тўплам.

1975 Изоҳловчили бирикмаларда компонентларнинг грамматик боғланиши. ТошДУ, илмий тўплам.

Изоҳловчили бирикмаларда изоҳловчи билан изоҳланишни ажратиш. ТошДУ, илмий тўплам.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.